

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.1.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ҲОЖИЕВ МЕХРИДДИН СУЛАЙМОНОВИЧ

**НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ
ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.08–Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Хожиев Мехриддин Сулаймонович

Нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини
такомиллаштириш..... 3

Хожиев Мехриддин Сулаймонович

Совершенствование бухгалтерского учета в негосударственных
некоммерческих организациях..... 27

Khojiyev Mekhriddin Sulaymonovich

Improving of accounting in non-state non-profit
organizations..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 53

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.1.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ҲОЖИЕВ МЕХРИДДИН СУЛАЙМОНОВИЧ

**НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ
ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.08–Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Iqt224 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус,) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tfi.uz) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида (www.zivonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Каримов Акрам Аббасович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Исманов Иброҳим Набиевич**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Холбеков Расулжон Олимович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат аграр университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.17.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй, Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: admin@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй. Тел.: (99871) 234-53-34.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги ____ - рақамли реестр баённомаси.)

И.Н.Қўзиёв

Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

С.У.Меҳмонов

Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

Ж.И.Каримқулов

Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, и.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётида нодавлат нотижорат ташкилотлари мустақил фаолият олиб боровчи «учинчи сектор» тармоғи сифатида – демократик жамият ҳаётининг барча ижтимоий соҳаларни ривожлантиришда давлат органлари ва тижорат тузилмаларининг шериги деб аталувчи ўрнини дадил эгалламоқда. Бугунги кунда иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг учинчи сектор деб номланувчи нодавлат нотижорат ташкилотларида ишга яроқли аҳолининг 10% дан 20 % гачаси айнан шу соҳада меҳнат фаолиятини олиб боради, шунингдек уларнинг харажатлари эса ялпи ички маҳсулотнинг 1,2% дан 6,3% гачани ташкил қилади. Хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотлари бухгалтерия ҳисобида мақсадли тушумларнинг асосий қисмини «давлат бюджетидан молиялаштирувчи Франция – 60% ва Бельгия – 76% кўрсаткич билан мутлақ етакчи давлатлар»¹ ҳисобланади, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотлари халқаро даражада ижтимоий иқтисодий вазифаларни бажариши зарур аҳамият касб этади.

Жаҳон иқтисодиётидаги етакчи давлатлар ижтимоий муаммоларини олдини олиш ва уларни ўз вақтида бартараф этиш учун нодавлат нотижорат ташкилотлари мустақил фаолиятини янада ривожлантириш зарурати юзасидан илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада «Россия Федерацияси имижтимоий иқтисодий соҳаларидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари махсус ҳисоб сиёсатини тузиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ахборот таъминотига қаратилган тадқиқотлар олиб борилган»². Халқаро DAFNE (Donors and Foundations Networks in Europe) ташкилоти маълумотларига асосан Европада 148 мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари асосий фаолиятига мос равишда ўзининг мустақил тадбиркорлик фаолияти бухгалтерия ҳисобини юритиши ҳамда очик молиявий ҳисоботлар тузиши билан илмий тадқиқотларда муаяйн ёндашувлар қўллашни тақозо этмоқда. Шу ўринда, «Европа давлатлари нодавлат нотижорат ташкилотларининг молиявий ҳисобот маълумотларига кўра Германия Федератив Республикаси нодавлат нотижорат ташкилотлари молиявий жиҳатдан барқарорлиги етакчи ўринларда туриши»³ уларни демократик жамиятнинг асосий бўғини эканлигидан далолат беради. Бу эса юқорида келтирилган муаммолар юзасидан нодавлат нотижорат ташкилотларида мақсадли тушумлар ва тадбиркорлик фаолиятидан олинган маблағлари ҳисобини юритиш ҳамда уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш асосида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Кейинги вақтларда жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида демократик ўзгаришларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг роли ва

¹ www.worldbank.org – Жаҳон банки расмий сайти

² <http://tass.ru/info/671635> - Россия ахборот агентлиги

³ <http://philanthropy.ru/analysis/2017> - «Филантроп» электрон илмий журнали

аҳамиятини, ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича сезиларли чора-тадбирлар кўрилди. «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган 200 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун зарур институционал база яратилиши»⁴да бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш долзарб масалалардан бири сифатида белгиланган. Шу ўринда, иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий ҳимоя ўзаро узвий боғлиқ тушунчалар бўлиб, уларни бир-биридан ажралган ҳолда тасаввур қилиб бўлмаслигини⁵ таъкидлаш лозим. Мамлакатимизнинг турли соҳаларида 9000 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилоти мавжуд бўлиб, 29 та халқаро ва хорижий нодавлат ташкилотларининг филиал ва ваколатхоналари фаолият юритмоқда. Бу кўрсаткич 2018 йилда 2010 йилга нисбатан 1,7 баробар кўпдир. Бугунги кунга қадар давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари талаб даражасида яратилмаганлиги ва давлат органлари ҳамда хусусий сектор ўртасидаги мувофиқликни амалга ошириш амалий механизми сифатида нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги 763-І-сонли «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги ПФ-5430-сонли «Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 1 декабрдаги ПФ-5270-сонли «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги⁶ Фармонлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш ва халқаро умумқабул қилинган меъёрларни бажаришда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг ташкилий – ҳуқуқий жиҳатлари

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони 2018 йил 4 май, ПФ-5430-сон

⁵ <http://uza.uz> – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг «2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида»ги Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 28.12.2018 йил

⁶ www.lex.uz - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги расмий веб-сайти

айрим хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган. Улар жумласига Б.Нидлз, Х.Андерсон, Д.Колдуэлл кабиларни киритиш мумкин⁷. Жумладан МДХ мамлакатларида нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва уни юритишнинг айрим масалалари В.Ф.Палий П.Ю. Гамольский, Я.В. Соколов, М.Л. Пятов, Г.Ю. Касьянова, А. В. Началов, Н.А. Пирожкова, Т.В. Юрьева, Л.В. Егорова, Л.В.Гусарова ва бошқа⁸ олимларнинг илмий асарларида ёритиб берилган.

Республикамизда нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти кенг тараққий этмаганлиги ва нисбатан кам ўрганилганлиги сабабли иқтисодчи олимларимиз илмий асарларида нодавлат нотижорат ташкилотлари бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари етарли даражада ёритилмаган. Аммо, мамлакатимизда умумий бухгалтерия ҳисоби ва уни ташкил этишнинг назарий ҳамда услубий жиҳатларининг муаммолари, шу жумладан ННТнинг айрим умумий бухгалтерия ҳисоби хусусиятлари тўғрисида А.С.Сотволдиев, А.А.Каримов, А.К.Ибрагимов, А.Х.Пардаев, Б.А.Ҳасанов, М.Қ.Пардаев, Н.Ю. Жўраев, О.Б.Бобожонов, К.Ж.Жуманиёзов, К.Б.Ўразов, Э.Ф.Гадоев, Ш.У.Ҳайдаров каби олимларнинг илмий асарларида тадқиқ қилинган⁹.

Нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби юритишнинг махсус тизими ишлаб чиқилмаганлиги учун бухгалтерия ҳисобининг умумий норматив ҳужжатларидан фойдаланмоқдалар. Шу боис, улар ҳисобини юритиш ва ҳисоботини расмийлаштиришга оид ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришни тақозо этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация мавзуси Тошкент молия институтининг тадқиқот ишлари режасига киритилган ҳамда 2017-2018 йилларга мўлжалланган ОТ-А2-31-сонли «Корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини ошириш ҳамда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда молиявий таҳлилнинг замонавий усуллари кўллаш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида

⁷ Нидлз Б., Андерсон Х., Колдуэлл Д. Принципы бухгалтерского учета./пер.с англ. А.В.Чмеля, Д.Н.Исламгулова; под. ред. проф. Я.В. Соколова. – М.: Финансы и статистика, 2002. – 495 с.;

⁸ Палий В.Ф. Международные стандарты финансовой отчетности. – Москва: ИНФРА-М, 2003. – 454 с.; Гамольский П.Ю., Соколов Я.В. Основы теории бухгалтерского учета. –М.: «Финансы и статистика», 2000. 36-б.; Пятов М.Л., Касьянова Г.Ю., Началов А. В Управление обязательства организации. – М.: Финансы и статистика, 2006. – 256 с.; Л.В. Егорова «Учет и аудит в некоммерческих организациях: теория, методология и практика»// автореферат докторская диссертации. Ростов–на–Дону – 2008, стр.-4., Л.В. Гусаров, Концепция бухгалтерского учета, аудита и анализа в некоммерческих организациях / Монография. - Казань: Познание, 2009. - 264 с.

⁹ Сотволдиев А.С. Замонавий бухгалтерия ҳисоби. - Дарслик. –Т. БАМА, 2005 -320 б.; М.Останакулов, «Давлат сектори ва бухгалтерия ҳисоби». Ўқув қўлланма, - Т.: «Iqtisod moliya», 2009. 132 б.; Пардаев М.Қ. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлилнинг назарий ва методологик муаммолари: Дис. ...икт. фан. докт. - С.: 2001. -323 б.; Жўраев Н. Абдувахидов Ф. Сотволдиева Д. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Дарслик. -Т.: «Иқтисодий» 2010-382б.; Бобожонов О.Б., Жуманиёзов К.Ж. Молиявий ҳисоб. - Т.:Молия, 2002 -334 б.; Каримов А.А. Исломов Ф.Р. Авлоқулов А.З. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик -Т.: Шарқ, 2004.-592 б.; Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Монография. – Тошкент: IQTISOD-MOLIYA, 2008. – 152 б.; Пардаев А.Х., Пардаев Б.Х. Бошқарув ҳисоби. – Тошкент: 2008. – 252 б.; Ҳасанов Б.А., Хашимов А.А. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. – Тошкент: IQTISOD-MOLIYA, 2005. – 308 б. Ўразов К.Б. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари. – Тошкент: Фан, 2005. – 236 б.; Ҳайдаров Ш.У., Ортиқов Х.А. Бухгалтерия ҳисоби. Услубий қўлланма. Тошкент, «NORMA», 2010.-368 б.

бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва уни такомиллаштиришда аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Диссертациянинг мақсадидан келиб чиқиб, унда қуйидаги вазифалар белгиланган:

ижтимоий-иқтисодий соҳаларни янада ривожлантиришда нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини янги тизимда ташкил этишнинг хусусиятларини асослаш;

нодавлат нотижорат ташкилотлари ва тижорат ташкилотларининг фарқли жиҳатларига аниқлик киритиш ҳамда устав фондини шакллантириш операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс эттиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг махсус ҳисоб сиёсатини тузиш тартиби ва уларнинг хусусиятларини ўрганишдаги муаммоларини бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг мақсадли тушумлари ва тижорат фаолиятдан олинган даромадларини аниқлаштириш ҳамда уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

нодавлат нотижорат ташкилотларида активлар ва мажбуриятлар ҳисобини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий тавсияларни бериш;

нодавлат нотижорат ташкилотлар харажатларини гуруҳлаштириш ва уларни халқаро стандартлар асосида бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот давомида иқтисодий воқелик жараёнларини ўрганишнинг илмий усуллари - умумлаштириш, гуруҳлаштириш ва таққослама усуллар, абстракт-мантиқий фикрлаш, қиёсий таҳлил, статистика, истиқболли прогнозлаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«Нодавлат нотижорат ташкилоти» тушунчасига ягона ёндашув асосида муаллифлик таклифи берилган ва уларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун устав фондининг энг кам чегара миқдорини белгилаш таклиф этилган;

нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳисоб сиёсатининг элементлари ҳисобланган ишчи счётлар режаси, хужжатлаштириш ва хужжатлар айланмаси, харажатларни гуруҳлаш, активлар ва мажбуриятларни баҳолаш

услуги такомиллаштирилган;

нодавлат нотижорат ташкилотларида мақсадли тушумлар ва тижорат фаолиятидан олинган даромадлар тизими таснифланган ҳамда уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш услуги такомиллаштирилган;

молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида нодавлат нотижорат ташкилотлар молиявий ҳисоботида активлар ва мажбуриятлар ҳисоби бўйича ахборотлар олиш имкониятлари аниқлаштирилган;

нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини тугатишда қолган мулкларини тақсимлаш ва уни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш услуги тақлиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

нодавлат нотижорат ташкилоти тушунчасига илмий-амалий асосланган муаллифлик таърифи берилди.

нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, улар учун умумий бўлган ҳисоб сиёсати лойиҳаси ишлаб чиқилган. Мазкур ҳисоб сиёсати нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини соддалаштириб, нотижорат ва тижорат фаолияти бўйича молия-хўжалик ахборотларнинг ишончилигини таъминлашга хизмат қилади;

нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг хусусиятларига қараб мақсадли тушумлар счёти таркибида аналитик ва синтетик счётлар очиш юзасидан тақлифлар берилди. Ушбу тақлиф нодавлат нотижорат ташкилотларида нотижорат ва тижорат фаолиятидан олинган мақсадли тушумларини бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини аниқлаштирилишига ҳамда соддалаштирилишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, нодавлат нотижорат ташкилотлари маълумотларига асослангани, хулоса, тақлиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотларига, шунингдек, бошқа амалий маълумотлар таҳлиliga асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти бозор иқтисодиётининг муҳим инфратузилмаси – нодавлат нотижорат ташкилотлари хизматлари бозорини ривожлантириш заруратидан келиб чиқади. Тадқиқот натижалари амалиётда нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва янада ривожлантириш йўллари аниқлаш ҳамда эркин демократик жамиятга кўрсатиладиган хизматлар сифатини оширишдаги иқтисодий муносабатларда бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришга ёрдам беради.

Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш борасида назарий муаммоларнинг ечимини ҳал қилишда, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот фанларининг истиқболли йўналишларини ривожлантиришда методологик асос бўлиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Нодавлат нотижорат ташкилоти» тушунчасини норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ягона ёндашув асосида илмий асосланган таърифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли Фармони билан тасдиқланган «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси «Тараққиёт стратегияси» марказининг 2018 йил 29 январдаги 0165/18-сон маълумотномаси), ҳамда уларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун устав фондининг энг кам чегара миқдори энг кам иш ҳақининг 100 баравари миқдорида, жумландан, устав фонди таркибининг камида 1/3 қисми пул маблағлари кўринишида бўлиши ҳамда қолган қисми ўз фаолияти учун зарур бўлган бошқа активлар билан шакллантириш белгиланган таклифи Ўзбекистон Аудиторлар Палатаси томонидан амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Аудиторлар Палатасининг 2017 йил 10 октябрдаги 116-сон маълумотнома). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши «нодавлат нотижорат ташкилоти» тушунчасини норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда яхлит тусда фойдаланишга ҳуқуқий замин яратиб, нодавлат нотижорат ташкилотлар давлат рўйхатидан ўтишда ундириладиган бож ва йиғимларни тўлаш, шунингдек, дастлабки фаолиятни ташкил этишда зарур мол-мулкларга бўлган эҳтиёжини қоплаш учун молиявий мустақиллиги таъминланган;

нодавлат нотижорат ташкилотларида ҳисоб сиёсатини тузиш ва унинг элементларидан фойдаланиш бўйича таклифлари Ўзбекистон Нодавлат Нотижорат Ташкилотлари Миллий Ассоциацияси томонидан амалиётга жорий қилинган. (ЎзННТМАнинг 2017 йил 29 сентябрдаги 04-06/329-01-сон маълумотномаси). Натижада нодавлат нотижорат ташкилотларининг алоҳида хусусиятлари асосида махсус ҳисоб сиёсати шакллантирилган ва уларда мақсадли тушумлар билан боғлиқ хўжалик операциялари ҳисоби тўғри ташкил қилинишига эришилган;

нодавлат нотижорат ташкилотларида мақсадли тушумлар ва тижорат фаолиятидан олинган даромадлар таснифланиши бўйича имтиёзларнинг аналитик ва синтетик ҳисобини такомиллаштириш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли Фармони билан тасдиқланган «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида (37-банди) ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси «Тараққиёт стратегияси» марказининг 2018 йил 29 январдаги 0165/18-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида давлат томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш хўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш имконияти яратилган;

молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида нодавлат нотижорат ташкилотларида «Хайрия ва эҳсон тушумлари» ва «Уставдаги

асосий вазифаларни бажаришда тадбиркорлик фаолиятдан олинган тушумлар»ни ҳисобга олувчи счётлар бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги ПФ-5270-сонли «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида ўз аксини топган (ЎзННТМАнинг 2017 йил 29 сентябрдаги 04-06/329-01-сон ва Ўзбекистон Ногироналр Жамиятининг 7 декабрдаги 10-сон маълумотномалари). Натижада Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси тизимидаги ташкилотларга 17,9 млн. сўм хайр-эҳсон тушумлари ва 160,0 млн. сўм қўшимча тадбиркорлик фаолиятдан мақсадли тушумлар ҳисобга олинган ва Ўзбекистон ногиронлар жамияти таркибидаги шўъба корхоналар эса 1 йилда қўшимча тадбиркорлик фаолиятдан 183 млн. сўмлик мақсадли тушумлар келиб тушиши таъминланган;

нодавлат нотижорат ташкилоти ўз фаолиятини тугатиш жараёнида қолган мол-мулкларини тақсимлаш ва уни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бўйича илмий-амалий таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли Фармони билан тасдиқланган «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурининг (37-банди) бажарилишида ўз аксини топган («Тараққиёт стратегияси» марказининг 2018 йил 29 январдаги 0165/18-сон маълумотнома). Натижада нодавлат нотижорат ташкилотлари ўзини ўзи бошқарувчи юридик шахслигидан келиб чиқиб, таъсисчи (қатнашчи)ларнинг якуний қарори билан мулкларни тақсимлашни ҳам мустақил ҳал қилишларига имконият яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро, 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларидан бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит бўйича олий таълимнинг бакалаврият таълим йўналишларида ўқитилаётган «Бухгалтерия ҳисоби назарияси», «Молиявий ва бошқарув ҳисоби», «Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисоби» ва «Молиявий ҳисобот», магистратура мутахассисликларида «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари» каби фанлар бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланилмоқда.


Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш, шу жумладан, миллий ОАК эътироф этган журналларда 11 та, нуфузли хорижий журналларда 2 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференцияларда 14 та маъруза ва тезислар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб ўтилган. Муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги баён қилинган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объекти, предмети ва усулларига тавсиф берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва жорий қилиниши очиб берилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг назарий ҳуқуқий асослари**» деб номланиб, унда ННТнинг ташкилий шакллари ва улар фарқланишининг ҳуқуқий асослари, рўйхатдан ўтказиш ва устав фондини шакллантириш ҳисоби ҳамда ҳужжатлар айланиши ва ҳисоб маълумотларини қайта ишлаш масалаларининг илмий-назарий асослари ўрганилган. Бугунги кунда мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 9000 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда¹⁰. Шунингдек, нодавлат нотижорат мақомидаги халқаро донорлик ва аҳолига беғараз ёрдам кўрсатувчи меҳр-мурувват ташкилотлари ҳамда ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳалла фуқаролар йиғини сони кун сайин ошиб бормоқда (1-расм).



1-расм. Ўзбекистонда ННТлар сонининг динамик ўзгариши¹¹

Мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари борасида норматив-ҳуқуқий асосларини ташкил қилувчи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик

¹⁰ <http://uza.uz> – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 22.12.2017 йил.

¹¹ <http://minjust.uz> - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг йиллик ҳисоботи, 2018 йил

Кодекси, Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонун ҳужжатларида нодавлат нотижорат ташкилотига таърифлар турлича келтирилган.

Илмий тадқиқотимиз натижасида маълум бўлдики, қонунчилик норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида нодавлат нотижорат ташкилоти ўзининг молиявий маблағларга барқарорлиги мустақиллигини таъминлаш мақсадида қўшимча тижорат фаолияти билан шуғулланиши тақиқланмаган бўлишига қарамасдан, унга устави доирасидаги ўз фаолиятнинг тўлиқ хусусиятларини ўзида акс эттирган таъриф берилмаган.

Маълумки, нотижорат ташкилотлар тижорат ташкилотлардан икки асосий хусусиятига кўра таснифланади:

1) Ташкил этилишида аниқ мақсад(миссия)нинг шакллантирилиши;

2) Олинган даромад (фойда) маблағлари ташкилот таъсисчилари (муассислар, аъзолар ва иштирокчилар) ўртасида тақсимланмаслигидир. Бунда таснифланишнинг биринчи асосий мезони бу – фаолиятнинг асосий мақсади фойда олиш ёки олмасликка йўналтирилганлигидир.

«Фуқаролик Кодекси»нинг 40-моддасига асосан фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган юридик шахс тижорат ташкилоти ёки фойда олишни ана шундай асосий мақсад қилиб олмаган юридик шахс нотижорат ташкилоти бўлиши келтирилган, шунингдек тижорат ва нотижорат ташкилотларини фарқланиш чегарасини фақат бир белгиси келтирилган¹². Унинг таркибида иккинчи асосий мезони тижорат ва нотижорат ташкилотининг таъсисчилари (иштирокчилари) ўртасида фойданинг тақсимланиши тартиби бўйича мезонлар келтирилмаган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 17-моддасида нотижорат ташкилотларига бюджет ташкилотлари, шу жумладан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтган халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ташкилотлар киради¹³. Ушбу норматив ҳужжатда ҳам нодавлат нотижорат ташкилоти тушунчасига алоҳида аниқлик киритилмаган.

Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни 2-моддасида амалдаги таъриф берилган бўлиб, бунда нотижорат ташкилотларининг иккинчи фарқланувчи хусусияти «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддасида «...даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромад (фойда) ларни ўз қатнашчи (аъзо) лари ўртасида тақсимламайдиган ташкилотдир...»¹⁴ деб келтирилган.

12 Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, 40-модда. (ЎРҚ №163-И сон Қонун, 21.12.1995 й.)

13 Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси, 17-модда 2 банди. (ЎРҚ-136-сон, 25.12.2007 й.)

14 Ўзбекистон Республикаси «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни, №763-И сонли 14.04.1999 йил 2-модда.

Шунингдек, илмий тадқиқотларимиз натижасида нодавлат нотижорат ташкилотига берилган таърифда ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг турлари ва гуруҳланишида ҳам тафовутлар мавжудлиги аниқланди.

2012 йил 24 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасида «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда фойдаланиладиган тушунчалар ва атамалар турлича изоҳлаш имкониятини истисно этадиган, уларнинг қонун ҳужжатларида қабул қилинган маъносига мувофиқ ягона шаклда қўлланилади» деб келтирилганлини инобатга олсак, норматив ҳужжатларда қўлланилган «тижоратчи бўлмаган ташкилот», «нотижорат ташкилот», «нодавлат нотижорат» тушунчалари ўрнига ягона «нодавлат нотижорат ташкилоти» тушунчасини қўллаш, ушбу тушунчага берилган таърифларни барча норматив ҳужжатларда бир хил мазмунга келтириш ҳамда ННТнинг турларини бир хил тартибга келтириш ҳуқуқий жиҳатдан ҳам зарур эканлигини кўришимиз мумкин.

Ушбу хусусиятлардан келиб чиқиб қонунчилигимиздаги норматив ҳуқуқий ҳужжатларни бирхиллаштириш мақсадида нодавлат нотижорат ва даромад (фойда) олиш хусусиятларни ўз ичига олган «нодавлат нотижорат ташкилот» тушунчасига таъриф ишлаб чиқилди ва у қуйидагича таърифланди:

Нодавлат нотижорат ташкилоти — жисмоний ва юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, фойда олишни асосий фаолиятининг мақсади қилиб олмаган ва ўз устави доирасида қўшимча тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи ҳамда олинган фойдани ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқарувчи юридик шахсдир. Шу тариқа, тижорат ва нотижорат ташкилотларининг иқтисодий фарқлаш мезонлари асосида нодавлат нотижорат ташкилоти тушунчаси қонунчилигимизда ягона бир хил тушунча сифатида бириктирилади.

Илмий тадқиқотлар жараёнида маълумотларни ўрганишимиз шуни кўрсатадики, нодавлат нотижорат ташкилотлари нафақат мулкый шакли, бевосита уставининг мақсади ва вазифалари ҳамда таъсисчиларнинг мулкка бўлган муносабатлари, шунингдек уларнинг жавобгарлик даражаси ҳам ўзаро боғлиқдир. Давлат рўйхатидан ўтиш ННТ учун ҳуқуқни белгиловчи аҳамиятга эга, чунки ташкилот давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига, ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳужжатларига асосан нодавлат нотижорат ташкилотлари ўзларининг таъсисчилари ва ташкилот ўртасидаги мулкчилик муносабатларига кўра, шунингдек фаолиятнинг аниқ мақсади ва йўналишига қараб турли шаклларда ташкил этилиши мумкин. Мулкчилик шаклидан қатъий назар нодавлат нотижорат ташкилотлар уставидаги мақсади ва ўзаро тенг боғлиқлигига қараб қуйидаги тартибда ташкил этилиши мумкин (1-жадвал).

ННТнинг мулкчилик шакли ва устав мақсадларига асосан ташкил этилишининг ўзаро боғлиқлиги¹⁵


ННТлар шакли	ННТ ташкил қилиш мақсади	ННТ ташкил этиш тартиби
Матлубот кооперативлари	Иштирокчиларнинг моддий (мулкӣ) ва бошқа эҳтиёжларини қондириш	Фуқаролар ва юридик шахсларнинг аъзоликка асосланган ихтиёрий бирлашмаси матлубот кооперативи ҳисобланади, бу бирлашув мулкӣ (пай) бадалларини қўшиш йўли билан ташкил этилади.
Жамоат ва диний ташкилотлар (бирлашмалар)	Маънавий(диний) ёки ўзга номоддий эҳтиёжларни қаноатлантириш.	Фуқаролар ўз манфаатларининг умумбашарий муштараклиги ва уларнинг кизиқишлари асосида ихтиёрий йўл билан ташкил этилади.
Жамоат фондлари	Фуқаролар ва (ёки) юридик шахсларнинг хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали тадбирларни амалга ошириш.	Юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий мулкӣ бадалларини қўшиш асосида ташкил этилади
Муассасалар	Бошқарув ва ижтимоий-маданий вазифалар ёки бошқа тадбирларни ўтказиш учун	Мулкдорлари томонидан ташкил этилади ва тўла ёки қисман молиявий таъминланиб турилади
Нотижорат нодавлат ҳамкорликлар	Ҳамкор аъзоларнинг бирлашуви асосида ННТ фаолият юзасидан ютуқларга эришиш.	Юридик ва (ёки) жисмоний шахсларнинг аъзоликлари асосида тузилади.
Автоном нодавлат нотижорат ташкилоти	Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, жисмоний тарбия ва спорт ҳамда бошқа ижтимоий соҳаларини ривожлантиришда хизмат кўрсатиш	Юридик ва (ёки) жисмоний шахсларнинг ихтиёрий мулкӣ улушлари асосида тузилади.
Юридик шахс бирлашмалари (ассоциация ва уюшмалар)	Тижорат ташкилотлари ўзларининг тадбиркорлик фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек муштарак мулкӣ манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш	Тижорат ташкилотлари ўзаро келишув асосида шартномалар тузиш йўли билан ташкил этилади.
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари	Фуқаролар шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллаларда ўзини ўзи бошқаришга доир ўз конституциявий ҳуқуқини фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатларига мувофиқ маҳалла фуқаролар йиғинларида фаолият олиб бориш	Маҳаллани тузиш, қўшиб юбориш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек унинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ташаббусига кўра маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

Демак, ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш аввало рўйхатдан ўтказувчи орган амалга оширадиган ҳаракатдан иборат бўлиб, бунинг натижасида юридик шахс тузилган деб ҳисобланади ва шу асосда рўйхатдан ўтказилган ташкилот ҳақидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси юридик шахсларининг Ягона давлат реестрига киритилади.

Бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотлари мамлакатимиз жамиятининг турли соҳаларида фаолият юритиб келмоқдалар. Илмий тадқиқотимиз натижаси шуни кўрсатадики, ҳозирги кунга келиб

¹⁵ Муаллиф илмий изланишлари асосида тузилди.

фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоялаш соҳасида 3600 та, аёллар ва ёшлар муаммоларини ҳал қилиш соҳасида 1440 та, соғлиқни сақлаш, таълим, экология масалалари соҳаларида 1350 та, бошқа ижтимоий соҳаларда 2610 та нодавлат нотижорат ташкил этилганлигини кўришимиз мумкин (2-расм).



2-расм. Ўзбекистонда ННТ ташкил этилган соҳалар диаграммаси¹⁶

ННТлар ташкилий-ҳуқуқий шаклига мувофиқ равишда устав фондини шакллантириш жараёни Ўзбекистон Республикаси қонунчилик норматив ҳужжатларида томонидан тартибга солинмаган. Ваҳоланки, нодавлат нотижорат ташкилоти таъсисчилари томонидан давлат рўйхатдан ўтиш ва ўз фаолиятларини ташкил этишда ундириладиган давлат божининг юқори қисми энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорида ташкил қилади, шунингдек ўз раъзларини адлия оранларидан рўйхатидан ўтказишда ундириладиган йиғим энг кам иш ҳақининг 2 баравари миқдорини ва 25 АҚШ доллари ташкил этади. Бундан ташқари, таъсисчилар ННТ ўзининг дастлабки фаолияти учун зарур бўлган маъмурий бино (*энг камида бино ижараси харажатлари*) ва офис мебеллари ҳамда бошқа ТМЗларни ҳам минимал устав фондини шакллантириш учун киритишлари мумкин.

ННТларда ушбу муаммоларни бартараф этиш ва молиявий мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида белгиланган норматив – ҳуқуқий ҳужжатларда **ННТ устав фондини минимал чегара миқдори энг кам иш ҳақининг 100 баравари миқдорида белгилаш лозим**. Шунингдек, устав фонди таркибининг камида 1/3 қисми пул маблағлари кўринишида, қолган қисми ўз фаолияти учун зарур бўлган бошқа активлар билан шакллантириш мақсадга мувофиқдир¹⁷. Бунинг учун ННТлар учун дастлабки фаолиятни бошлаш ва устав фондини шакллантиришда махсус ишчи сётлар режасида бошқа дебиторлик қарзларини ҳисобга олувчи сётлар (4890) гуруҳи

¹⁶ <http://www.minjust.uz> – Ўзбекистон Республика Адлия вазирлигининг йиллик ҳисоботи тўплами маълумотлари, 2018 й.

¹⁷ Муаллиф томонидан тавсия этилди, 2018й.

таркибига аналитик счётларни киритиш тавсия этилади (2-жадвал).

Ушбу счётлар ННТни ташкил қилиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида эълон қилинган устав фонди миқдорини шакллантирилишини акс эттиришда қўлланилади.

2-жадвал

ННТларда дастлабки фаолиятни бошлаш ва устав фондини шакллантириш билан боғлиқ операцияларни ҳисобга олувчи счётлар¹⁸

4800	Турли дебиторлар қарзларини ҳисобга олувчи счётлар	A
4890	Бошқа дебиторлар қарзлари	
4891	Таъсисчилар ва аъзоларнинг кириш бадаллари бўйича қарзлари	
4892	Таъсисчилар ва аъзоларнинг аъзолик бадаллари бўйича қарзлари	
4893	Асосий воситаларни киритиш (шу жумладан, таъсисчилар ва аъзоларнинг ҳиссалари) бўйича қарзлари	
4894	Номоддий активларни киритиш (шу жумладан, таъсисчилар ва аъзоларнинг ҳиссалари) бўйича қарзлари	
4895	Бошқа мақсадли тушумлар бўйича қарзлар	

Ҳар қандай юридик шахсларнинг дастлабки балансида таъсисчиларнинг аъзолик улуши бўйича устав капиталидаги мажбурияти балансинг актив қисмида ифодаланди. Ташкил этилган нодавлат нотижорат ташкилоти устав фонди таъсисчилар (қатнашчилар)нинг аъзолик улушлари ҳисобига шакллантирилади. Илмий тадқиқотларимиз натижаси шуни кўрсатадики, ННТларда таъсисчилар (қатнашчи) ўз мулкига нисбатан эгалик ёки тасарруф этиш ҳуқуқи белгиланмаган.

Юридик шахс сифатида қараганда ННТнинг қонунчилигидаги норматив – ҳужжатларига асосан таъсисчилар (қатнашчи) ўртасида фаолиятдан олинган даромадлари ва мулклари тақсимланмаслиги ёки бўлинмаслиги хусусиятлари келтириб ўтилган.

Бу эса ўз навбатида ННТ таъсисчилари қўшган улушлари бўйича ҳеч қандай ҳуқуқий фойдаланиш, улуш олиш ёки тасарруф этиш маъноларини англатмайди. Шунинг учун, ННТларда устав ва қўшилган капитал счётлари (8300, 8400) қўлланилиши тавсия этилмайди. Таъсисчилар (қатнашчи) нинг аъзолик ва кириш улушлари мақсадли тушумларни ҳисобга (8800) олувчи счётлар гуруҳида қўшимча очилган аналитик счётларда акс эттирилиши тавсия этилади.

Илмий тадқиқот натижалари чуқур таҳлили асосида шуни таъкидлаймизки, таъсисчилар ва аъзоларнинг ННТ олдидаги пул, моддий бойликлар ва аъзоларнинг кириш бадаллари бўйича қарзлари таъсис ҳужжатлари билан белгиланади ҳамда бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

¹⁸ Муаллиф томонидан тавсия этилди, 2017й.

ННТ уставида белгиланган таъсисчилари ва аъзоларининг пул ва бошқа кириш бадаллари ҳисобини акс эттириш тартиби¹⁹

ННТ уставида белгиланган ННТ таъсисчилари ва аъзоларининг пул ва моддий бойликлари ҳамда кириш бадаллари ҳисобланганда	
Дебет	Кредит
4891 «Таъсисчилар ва аъзоларнинг кириш бадаллари бўйича қарзлари»	8891 «Таъсисчилар ва аъзоларнинг кириш бадаллари»
ННТ уставида белгиланган аъзолик бадаллари (жорий ва бир марталик) ҳисобланганда	
Дебет	Кредит
4892 «Таъсисчилар ва аъзоларнинг аъзолик бадаллари бўйича қарзлари»	8830 «Аъзолик бадаллари»
Асосий воситалар ва номоддий активларни киритиш бўйича қарзлар	
Дебет	Кредит
4893 «Асосий воситаларни киритиш (шу жумладан, таъсисчилар ва аъзоларнинг ҳиссалари) бўйича қарзлари»	8850 «Асосий воситалар (шу жумладан амортизация харажатлари) манбалари» 8860 «Номоддий активлар (шу жумладан амортизация харажатлари) манбалари»
4894 «Номоддий активларни киритиш (шу жумладан, таъсисчилар ва аъзоларнинг ҳиссалари) бўйича қарзлари»	
Таъсисчилар ва аъзолар кириш ва аъзолик балларини киритишда	
Дебет	Кредит
5000 «Кассада пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар»	4891 «Таъсисчилар ва аъзоларнинг кириш бадаллари бўйича қарзлари» 4892 «Таъсисчилар ва аъзоларнинг аъзолик бадаллари бўйича қарзлари»
5100 «Ҳисоб-китоб счётида пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар»	
5200 «Валюта счётида пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар»	
1000 «Материалларни ҳисобга олувчи счётлар»	
-пул маблағларини ва моддий бойликларни ҳисобга олувчи бошқа счётлар	
ННТда мақсадли ишлатиш учун асосий воситалар ва номоддий активларни киритишда	
Дебет	Кредит
0700 «Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи счётлар»	4893 «Асосий воситаларни киритиш (шу жумладан, таъсисчилар ва аъзоларнинг ҳиссалари) бўйича қарзлари» 4894 «Номоддий активларни киритиш (шу жумладан, таъсисчилар ва аъзоларнинг ҳиссалари) бўйича қарзлари»
0821 «Мақсадли ишлатиш учун асосий воситаларни сотиб олиш»	
0831 «Мақсадли ишлатиш учун номоддий активларни сотиб олиш»	

Бугунги кунда эса бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан мулкчилик мақоми ва фаолият юритиши тубдан фарқ қилувчи нодавлат ноижорат ташкилотлари учун бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва молиявий ҳисоботларини тузиш бўйича бошланғич бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг шаффофлигини таъминланиши лозим. Илмий тадқиқотларимиз натижасида, ННТда «Қатъий ҳисобдаги бланкларни ҳисобга олиш журнал шакли»ни юритиш таклиф этилди.

Ҳисоб берувчи шахсларга қатъий ҳисобдаги бланкларни бериш масъул шахс томонидан ННТ раҳбари ёки у қонун ҳужжатларида белгиланган

¹⁹ Муаллиф томонидан тавсия этилди, 2017й.

тартибда тайинлаган шахсларнинг топшириғи асосида амалга оширилади. Ҳисоб берувчи шахсларга берилган қатъий ҳисобдаги бланкларни назорат қилиш мақсадида «ННТ қатъий ҳисобдаги бланкларини олиш - назорат қилиш» ҳужжат шакли, шунингдек «ННТда ҳужжатлар айланишининг намунавий графиги» ҳужжат шакллари ишлаб чиқилган. Илмий тадқиқот ишимизда ишлаб чиқилган ушбу махсус шакллар амалиётда фойдаланиш учун тавсия этилди.

Диссертациянинг **«Нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш хусусиятлари»** деб номланган иккинчи бобида ННТларда ҳисоб сиёсатини тузиш ва уни юритиш хусусиятлари, ННТнинг асосий ва бошқа фаолияти ҳисобини ташкил этишда филиал ва шўъба корхоналар билан ҳисоблашишлар тартиби ҳамда уларни ликвидация жараёнини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш хусусиятлари, шунингдек ННТда мақсадли тушумлар ва тижорат фаолиятдан олинган даромадлар ҳисобини такомиллаштириш каби масалалар тадқиқ этилган.

Бизга маълумки, Республикамиз ННТларида ҳисоб сиёсати шакллантириш 1-сонли БХМСдаги умумий тартиб-қоидалар татбиқ этилади. «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» номли 1-сонли БХМСнинг 12.2-бандига биноан, «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот - 2-шакл» нотижорат фаолият учун қўлланилмайди, чунки у ННТлар учун ҳисоботнинг ишончлилигини таъминламайди²⁰. Ушбу ҳисобот шаклини ўрнига нотижорат фаолият натижаларини акс эттириш учун, «ННТнинг олинган даромадлари ва улардан нотижорат фаолиятда фойдаланганлик тўғрисидаги ҳисобот» махсус шакли тавсия этилди.

ННТ фаолияти хусусиятига мувофиқ ишчи счётлар режасида қўшимча равишда мақсадли тушумлар (8800), дебиторлик қарзлар (4890), мақсадли дастурлар бажарилиши харажатларини ҳисобга олувчи счётларни (2200) кўзда тутиш мумкин, шунингдек ННТда асосий фаолият ва бошқа қўшимча фаолиятларни юритиш учун хўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс эттирувчи махсус ишчи счётлар режаси тузилган.

Илмий тадқиқотимиз натижалари шуни кўрсатадики, ННТни тугатилишдан қолган мулкларидан фойдаланиш тартиби Қонунчилик доирасида ишлаб чиқилмаган. Бунинг учун қуйдагиларни асос қилиб олишни таклиф қиламиз. ННТ тугатилишида барча кредиторларнинг талаблари қондирилгандан сўнг, қолган мулкларини ННТнинг муассислари ва қатнашчилари (аъзолари) нодавлат нотижорат ташкилотини тугатиш тўғрисида якуний қарори асосида ўз ихтиёри билан устав фаолиятдаги йўналишлари (ёки шунга ўхшаш) бир хил бўлган бошқа ННТга тақсимланишини тавсия этамиз.

Кириш ва аъзолик бадаллари, агар улар уставда назарда тутилган бўлса, нодавлат нотижорат ташкилотининг мол-мулкани шакллантириш манбаси сифатида тан олинади. ННТ мол-мулканининг шаклланиш манбалари ҳисоби

²⁰ Ўзбекистон Республикаси 1-сонли БХМС «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот», АВ 1998 йил 14 август, 474-сон билан рўйхатга олинган

учун ишчи счётлар режасида алоҳида бухгалтерия счётлари очилиши тавсия этилади (4-жадвал).

4-жадвал

**ННТнинг асосий фаолиятдан олинадиган тушумларини
акс эттирувчи счётлар таркиби²¹**

8800	Мақсадли тушумларни ҳисобга олувчи счётлар	КП
8810	Грантлар	
8811	Давлат томонидан берилган грантлар	
8812	Мақсадли ижтимоий дастурларни амалга ошириш учун бюджетдан ташқари фондлардан берилган грантлар	
8813	Хорижий ҳамкор давлатлардан олинган грантлар	
8814	Халқаро ташкилот ва фондлардан олинган грантлар	
8820	Давлат томонидан берилган субсидиялар;	
8830	Аъзолик бадаллари	
8831	Таъсисчилар ва аъзоларнинг кириш бадаллари	
8832	Мунтазам жорий аъзолик бадаллари	
8833	Бир марталик аъзолик бадаллари, агар улар уставда назарда тутилган бўлса	
8840	Мақсадли фойдаланадиган солиқ имтиёзлари	
8841	Мақсадли фойдаланадиган солиқ имтиёзлари;	
8842	Мақсадли фойдаланадиган ягона ижтимоий тўлов имтиёзлари;	
